



Legal nature of investigative action: analysis and considerations

Alisher IMOMNAZAROV¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2023
Received in revised form
15 May 2023
Accepted 25 May 2023
Available online
15 June 2023

Keywords:

investigative actions,
inspection,
presence or absence of
a crime scene,
material traces
(material evidence),
intangible traces.

ABSTRACT

The article theoretically analyzes the concepts of an investigative action, inspection, the event of a crime, material evidence, and intangible evidence, analyzes the opinions of legal scholars, and reveals its essence.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4/S-pp317-331>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг юридик табиати: таҳлил ва мулоҳазалар

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

тергов ҳаракатлари,
кўздан кечириш,
жиноят ҳодисаси
мавжуд ёки йўқлиги,
моддий излар
(далиллар),
номоддий излар.

Мақолада тергов ҳаракатлари, кўздан кечириш тергов ҳаракати, жиноят ҳодисаси, моддий излар (далиллар), номоддий излар тушунчалари назарий таҳлил қилинган, ҳуқуқшунос олимлар фикрлари таҳлил қилинган, унинг моҳияти очиб берилган.

¹ Independent researcher, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Правовая природа следственного действия: анализ и рассуждения

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

следственные действия, осмотр, наличие или отсутствие места преступления, вещественные следы (вещественные доказательства), нематериальные следы.

В статье теоретически анализируются понятия следственного действия, осмотра, события преступления, вещественные доказательства, нематериальные доказательства, анализируются мнения ученых-правоведов, раскрывается его сущность.

Ҳамма тергов ҳаракатлари орасида кўздан кечириш айниқса терговчининг профессионализмини намоён этадиган далилларни тўплаш усулларида саналади. “Ушбу тергов ҳаракати терговчи томонидан бевосита моддий дунёни жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга ошириш орқали англашида намоён бўлади”.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати бўлганлиги сабабли аввало тергов ҳаракатини изоҳлаб чиқсак.

“Тергов ҳаракати – бу ўтказиш тартиби қатъий қонун билан белгиланган ва давлат мажбурлов элементи билан таъминланган далилларни тўплаш ва текшириш усуллари ҳисобланади”. Ушбу тушунчага қўшимча равишда далилларни баҳолашга қаратилган далилларни тўплаш усулларида бири дейиш мумкин.

Амалдаги жиноят-процессуал қонун тергов ҳаракатларини 4 гуруҳга бўлади. Булар: “биринчидан, кузатув билан боғлиқ бўлган тергов ҳаракатлари (кўздан кечириш, гувоҳлантириш, тергов эксперименти); иккинчидан топилиши қийин бўлган, қидирилаётган объектларни кузатиш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари (тинтув, олиб қўйиш, телефон сўзлашувларини эшитиб туриш); учинчи гуруҳ сўровни амалга оширишга қаратилган тергов ҳаракатлари – сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш, кўрсатувчиларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш; тўртинчи гуруҳ яширилган маълумотни аниқлашга қаратилган тергов ҳаракатлари – экспертиза”.

Ушбу олимнинг гуруҳлаштиришига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки бу гуруҳларга бир қатор тергов ҳаракатлари киритилмаган, масалан, экспертиза текширувлари учун намуналар олиш, тафтиш, мурдани эксгумация қилиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш, нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш. Ушбу тергов ҳаракатларидан экспертиза текширувлари учун намуналар олиш, тафтиш, мурдани эксгумация қилиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш яширилган маълумотни аниқлашга қаратилган тергов ҳаракатларига кирса, нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш, нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш далилларни олиш ва мустақамлашга оид тергов ҳаракати ҳисобланади.

Тергов ҳаракати - бу жиноят ишидаги объектив ҳақиқатни аниқлаш учун далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган, тергов давомидаги процессуал ҳаракатдир. Бундай ҳаракат бизга ҳодисанинг моҳияти, баъзан механизми ҳақида тасаввурга эга бўлишга ва шу асосда жиноят белгиларининг мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида дастлабки хулоса чиқаришга, шунингдек, тергов версияларини яратиш ва дастлабки маълумотларни олиш имконини беради. Бундан ташқари, нарса-буюмларни кўздан кечириш, уларни ашёвий далил сифатида тан олиш масаласини ҳал қилишнинг асосий шартларидан биридир.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида “тергов ҳаракатлари” атамаси қўлланилади, лекин унинг мазмунини ўз матнида ифода этмайди. Бу тушунча жиноят-процессуал фанда пайдо бўлган бўлиб, унда тергов ҳаракатлари жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ амалга ошириладиган, далилларни аниқлаш ва тўплашга қаратилган ҳаракат ҳисобланади. Ушбу ҳолат эса амалдаги жиноят-процессуалда кўздан кечириш тергов ҳаракатини унинг аниқ ўтказилиши мақсадидан келиб чиқиб аниқ бир нормада акс эттиришни тақозо қилади.

“Жиноят-процессуал кодексида қуйидаги тергов ҳаракатлари баён этилган:

- сўроқ қилиш (гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчи ва гумонланувчи, эксперт, ва мутахассисларни);

- кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш;

- юзлаштириш;

- таниб олиш учун кўрсатиш;

- эксперимент;

- мурдани эксгумация қилиш;

- тинтув;

- олиб қўйиш;

- кўздан кечириш;

- гувоҳлантириш;

- кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;

- экспертиза ва бошқалар”.

Тергов ҳаракатларининг аҳамияти шундаки, улар жиноят ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган далилларни тўплаш ва текширишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш ва сифатли натижалар олишда кўздан кечириш тергов ҳаракати алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу тергов ҳаракати универсал тергов ҳаракати ҳисобланади, чунки терговга қадар текшириш, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида ўтказилиши мумкин. Бундан ташқари кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш учун маълумот йиғиб бериш ва тергов тактикасини шакллантириш учун асос вазифасини ўтайди.

Кўздан кечириш – “ҳодиса содир бўлган жойни тадқиқ этиш, жиноятни содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатлар ҳақида маълумотларни топиш ва олишга қаратилган тергов ҳаракати”. Ушбу тушунчани изоҳлашда олим кўздан кечиришни ҳодиса жойи билан чегаралаган, амалда эса ҳодиса содир бўлмаган аммо жиноят ва жиноятчи ҳақида маълумот бериши мумкин бўлган бошқа жой ҳам кўздан кечирилиши мумкин ҳисобланади, ушбу тартиб ҳаттоки маълум воситага (компьютерга), ашёга (ҳужжатга), мурдага нисбатан амалга оширилиши

мумкин. Шу сабабли ушбу тушунчани тўлиқ кўздан кечириш белгиларини қамраб олган дея олмаймиз.

Кўздан кечириш – бу жиноят изларини ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш ҳамда идрок этиш мақсадида жиноят-процессуал қонунида санаб ўтилган объектларни бевосита текшириш ва ўрганишдан иборат бўлган ҳаракатдир.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг моҳияти шундан иборатки, текшириш пайтида терговчи воқеа жойи билан, шунингдек, ҳар хил билиш усулларини (кузатиш, таққослаш, ўлчаш ва бошқалар) қўллаш орқали тўлиқроқ танишиши мумкин. Бундан ташқари, ҳис-туйғуларига таяниб, далилий аҳамиятга эга бўлган ва текширилаётган ҳодисанинг моҳиятини яхшироқ тушунишга имкон берадиган фактлар борлигига ишонч ҳосил қилади.

Таҳлил қилинаётган ҳаракатнинг мазмуни текширилаётган объектларни бевосита идрок этиш билан шаклланади. Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда барча объектлар ҳиссий органлар – кўриш, тегиниш, ҳидлаш, эшитиш ёрдамида ўрганилади. Текширувни ўтказиш жараёнида терговчи асосан ҳиссий-рационал билиш усулларидан фойдаланади: кузатиш, таққослаш, таҳлил қилиш, синтез ва ҳ.к. Кўздан кечириш тергов ҳаракати вақтида махсус техник воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган баъзи бир инструментал усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Айтайлик, люминол ёки гемофан эритмаси қоннинг кўринмас ва деярли англаб бўлмайдиган изларини аниқлаш учун ишлатилади. Бундай воситалардан фойдаланиш бўйича ҳаракатлар кўздан кечириш тергов ҳаракатининг моҳиятини акс эттирмайди, аммо иш учун жуда аҳамиятли ҳисобланади.

Кўздан кечиришга биринчилардан бўлиб 1963 йилда нашр этилган “Криминалистика” дарслигида А.Н.Василев томонидан батафсил таъриф берилган. Бу таърифга кўра, “тергов ҳаракати сифатида кўздан кечириш – бу терговчининг объектларни текшириш (ўрганиш) ва жиноятнинг моддий изларини аниқлаш мақсадидаги шахсий идроки ва ҳаракатидир”.

“Бонье, Фейербах, Ярке каби олимлар экспертизани кўздан кечиришнинг бир тури сифатида баҳолаган”. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки улар ўтказувчи шахслар ва тартиб бир биридан фарқ қилади.

Таъкидлаш жоизки, кўздан кечиришнинг мақсади фақат “объектларни ўрганиш ва жиноятнинг моддий изларини аниқлаш” эмас, балки уларни қайд этиш ҳам ушбу тергов ҳаракати таркибидадир. Бундан ташқари, нафақат жиноят изларини, балки жиноий ҳодисанинг йўқлигини кўрсатувчи изларни ҳам аниқлаш, ўрганиш ва қайд этиш зарур ҳисобланади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати жиноятнинг мавжуд бўлганлиги ёки мавжуд бўлмаганлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Кейинги ҳолатда эса жиноят ҳақида маълумотларни тўплаш (фотосуратлар олиш, жиноят содир бўлган вақтни аниқлаш, ҳисоботлар тайёрлаш), жиноятчини идентификация қилиш ҳисобланади. Демакки юқоридаги фикрни таҳлил қиладиган бўлсак, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг биринчи навбатдаги вазифаси ҳодисада жиноят аломати бор ёки йўқлиги бўлса, иккинчиси жиноятнинг қандай содир этилганлиги ва ким томонидан содир этилганлигини аниқлаш ҳисобланади.

В.П.Колмаков “кўздан кечириш тергов ҳаракатини терговчининг процессуал ҳаракати сифатида тавсифлаган. Бунда у қонунда кўрсатилган шахслар иштирокида, асл маълумотлар (далиллар)ни топиш ва ишдаги ҳақиқатни англаш учун муҳим бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида текшириладиган ҳодиса билан боғлиқ бўлган моддий объектларнинг ҳолати, хусусиятлари ва белгиларини аниқлайди, тўғридан-тўғри идрок этади, ўрганади, баҳолайди ва қайд этади” .

Ушбу таъриф ҳақида фикр юритадиган бўлсак, шу нарсани эътиборга олишимиз керакки, олимнинг фикрича, терговчи томонидан қонунда кўрсатилган шахслар иштирокида кўздан кечириш амалга оширилади.

Криминалистиканинг муҳим қоидаларидан бири ҳар бир контакт (ҳаракат) албатта из қолдиради. Бу таъсир, ҳаракат инсон ва инсон, инсон ва транспорт ёки бошқа бирор жисм ёки жисм билан бўлиши мумкин. Жиноят содир этилганлигини билдирувчи кўздан кечириш жараёнидаги объектлар биологик намуналар: “ДНК маълумотларини берувчи суюқликлар, соч, бармоқ излари, тана қисмлари излари, тиш излари; толалар: кийимлардан юлиб олинган материаллар қисмлари, тирноқ остида қолган тола бўлаклари; ҳужжатли далиллар: квитанциялар, саёҳат чипталари ёки банк ҳужжатлари”.

М.П.Хилобок “кўздан кечиришни тергов ҳаракати сифатида, “терговчи ёки терговни олиб бораётган шахс томонидан жиноят ишини очиш ва тергов қилиш учун муҳим бўлган нарсаларни тўғридан-тўғри идрок этишдан иборат бўлиб, уларни ўрганиш, ушбу объектларнинг белгилари, хусусиятлари ва ҳолатини ҳамда ўзаро жойлашини аниқлаш ва ўрганиш” деб тавсифлайди” .

Н.А.Селиванов “кўздан кечириш тергов ҳаракатини терговчининг тегишли объектларни тўғридан-тўғри идрок этиш, тадқиқ қилиш, қайд этиш ва айримларини жиноятларни тергов қилиш ва олдини олиш мақсадида ашёвий далил сифатида олишдан иборат тергов ҳаракати” деб тушунтиради .

Бизнинг фикримизча, нарсаларни ашёвий далил сифатида олиб қўйиш ҳақидаги муаллифнинг фикрлари унчалик ҳам тўғри эмас. Айрим ашёлар кўздан кечирилгандан кейин ва уларни ашёвий далил деб эътироф этиш ҳамда жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг ашёвий далилга айланади. Бундан ташқари, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг ҳамма турлари ҳам бирор нарсани ашёвий далил сифатида олиш билан боғлиқ эмас. Кўздан кечиришнинг мақсадлари ва таърифи ҳам тўғри шаклланмаган.

Жиноятларни тергов қилиш ва олдини олиш жиноят ишларининг асосий мақсади, кўздан кечириш тергов ҳаракати эса, бошқа тергов ҳаракатларидан фарқ қиладиган торроқ ва аниқроқ мақсадларни кўзлайди.

Р.С.Белкин кўздан кечириш тергов ҳаракатини иш учун муҳим бўлган объектларни, уларнинг белгилари, хусусиятлари, ҳолати ва ўзаро жойлашувини бевосита аниқлаш ва тергов қилиш учун ўтказиладиган тергов ҳаракати деб таърифлаган . Шуниси қизиқки, юқоридаги таърифларга эътибор қаратсак, ҳар қандай тергов ҳаракатини тавсифловчи энг муҳим хусусият ҳисобланган – далилий маълумотларни тўплаш эътибордан четда қолдирилган. Ҳолбуки, объектлар уларнинг белгилари, хусусиятлари ва ҳолатларини аниқлаш ва идрок этиш мақсадида ўрганилади. Аслида, белги-хусусият, ҳолат ва бошқалар ишда ҳақиқатни аниқлаш учун муҳим бўлган фактик маълумотларни олиш мақсадида объектлар текширилади ва қайд қилинади.

“В.А.Образцов ва А.А.Топорковларнинг фикрича, кўздан кечириш тергов ҳаракати – жиноят ишлари бўйича моддий объект белгиларини терговчининг сезги органлари ёрдамида тўғридан-тўғри идрок этиш, шунингдек инструментал ва экспериментал усуллар билан текширишнинг процессуал усулларидан биридир”. Ушбу таъриф юқоридагиларга қараганда анча номукамал кўринади, чунки бундай таърифда кўздан кечиришни айрим бошқа тергов ҳаракатларидан фарқи йўқолиб кетади, масалан, тергов эксперименти ёки кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва ҳ.к.

Л.А.Ивановнинг фикрича, кўздан кечириш – бу процессуал ҳаракат бўлиб, маълум бир вазиятда, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ваколатли шахслар томонидан материалнинг хусусиятлари ва белгиларини аниқлаш, тадқиқ қилиш, баҳолаш ва тузатиш мақсадида криминалистика доирасида ишлаб чиқилган ва тавсия этилган илмий услуб, техник воситалар ва тактик усуллар ёрдамида амалга оширилади. “Бунда ўрганилаётган ҳодиса билан боғлиқ объектлар ва атроф-муҳит ҳолати ва жиноятларни тергов қилиш ва олдини олиш юзасидан далилларни аниқлашдир”. Бизнинг фикримизча, ушбу таърифда келтирилган, криминалистика фани томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган илмий услублар, техник воситалар ва тактик усуллардан фойдаланиш кўрсатмаси, шунингдек, қонунга мувофиқ қатъий равишда ўтказилиши тўғрисида эслатма ортиқча. Юқоридаги белгилар ҳар қандай тергов ҳаракатига тегишли бўлиши мумкин, улар ҳеч бўлмаганда кўздан кечиришнинг моҳиятини тушунишга ёрдам бермайди.

О.Я.Баев “кўздан кечиришни тергов ҳаракатини қуйидагича тушунтиради, яъни жиноятни очиш ва тергов қилиш учун муҳим бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган нарсаларни, ҳужжатларни, моддалар ва изларни аниқлаш, қайд қилиш ва олиб қўйиш учун терговчи томонидан ҳар қандай объектни бевосита идрок этиш ва ўрганишдан иборат”.

Таърифлардаги баъзи (асосан таҳририй) фарқларга қарамай, деярли барча муаллифлар кўздан кечиришнинг ўзига хос белгисига ишора қилаётган нарсаларни, уларнинг белгилари, хусусиятлари, ҳолати ва бошқаларни тўғридан-тўғри идрок этиш ҳаракати сифатида кўрсатганлар. Шубҳасиз, текширувчининг иштироки зарурлиги таъкидланган. Шу билан бирга, махсус тайёргарликни талаб қиладиган хавф остида бўлган объектлар ва жараёнларни кузатиш, кўп ҳолларда терговчининг ўша жойда, муҳитда бевосита иштирокини истисно қилади (асосан ҳодиса жойини кўздан кечиришда). Билвосита идрок, шунингдек, объектларнинг ҳолатини, хусусиятларини ва белгиларини билиш учун маълум ҳолларда зарур бўлган сезги усулларнинг ҳаммасидан ҳам фойдаланиш мумкин эмаслигидан келиб чиқади. Бу ҳолатларда, бир қатор муаллифлар тўғри таъкидлаганидек, тегишли мутахассисларни жалб қилиш, одамнинг билиш қобилиятини оширадиган махсус техник воситалардан фойдаланиш зарур. Шунинг учун, кўздан кечиришнинг моҳиятини аниқлашда, бевосита идрок этиш масаласини кўрсатиш, бизнингча, ноўрин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу тергов ҳаракатини фикримизча, қуйидагича изоҳлашимиз мумкин. **Кўздан кечириш – жиноят ҳодисаси мавжуд ёки йўқлиги, мавжуд бўлганда ҳодиса жойида ёки бошқа жойларда жиноят ишида ҳақиқатни аниқлаш учун муҳим бўлган белгилар ва хусусиятларни**

ўзида акс эттирган моддий ва номоддий объектларни ўз сезги органлари орқали далилий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни, объектларни (маълумот ташувчиларни) тўғридан-тўғри ёки билвосита топиш, олиш, идрок этиш ва ўрганиш ҳамда тадқиқ учун юборишдан иборат тергов ҳаракатидир.

Қуйида ушбу тушунчаларни бирма-бир таҳлил қилиб чиқсак.

Жиноят ҳодисаси мавжуд ёки йўқлиги, ушбу ҳолат асосан кўздан кечириш тергов ҳаракати орқали амалга оширилади. Ушбу тергов ҳаракатининг тўғри ташкил қилиниши мазкур масалага ойдинлик киритишга ёрдам беради.

Агарда ушбу тергов ҳаракати орқали жиноят аломатлари аниқланса жиноят иши юритилиши бошланади, аксинча бўлса у юритилмайди. Демакки, кўздан кечириш жиноят иши тақдирини белгилловчи ҳаракат ҳисобланади.

Агарда ҳолатда жиноят аломати бўлса энг муҳим масала ҳодиса содир бўлган жой ва уни кўздан кечириш ҳисобланади. Ҳодиса содир бўлган жой бу жиноят амалда бажарилган жой ҳисобланади.

“Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш” эса кўздан кечиришнинг бир тури бўлиб ушбу тушунча таърифининг услубий мураккаблиги кўп жиҳатдан “ҳодиса жойи” тушунчасига асосланганлиги билан боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, воқеа содир бўлган жой нимани англатишини аниқлаштириш керак. Бу масалани аниқлаштириш нафақат назарий аҳамиятга эга, балки амалий фаолият билан бевосита боғлиқдир, чунки бу ҳар хил кўздан кечириш турларини (ҳодиса жойини кўздан кечириш, ер-майдонларни ҳамда турар жойларни кўздан кечириш) ажратиш имконини беради.

Махсус адабиётлар таҳлили бу масала бўйича қарама-қарши иккита нуқтаи назар мавжудлигини кўрсатади. Қарама-қаршилиқнинг моҳияти, асосан, “ҳодиса содир бўлган жой” тушунчаси билан қамраб олинган майдон параметрларини аниқлаш билан боғлиқ. Шундай қилиб, бир қатор тадқиқотчилар “ҳодиса содир бўлган жой” ва “жиноят содир этилган жой” тушунчаларини аниқлайдилар. Масалан, Д.П.Рассейкиннинг ёзишича, “ҳодиса жойи – бу кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказиладиган воқеа бевосита содир бўлган ҳудуд ёки хона”.

А.В.Дулов ва П.Д.Нестеренколарнинг таъкидлашича, “ҳодиса жойи – бу воқеа бевосита тергов қилинадиган баъзи бир ҳудуднинг майдони ёки хонадон, шунингдек, бу ҳодисага тегишли маълумотлар ва уларнинг оқибатлари топилиши мумкин бўлган бошқа қўшни жойлар”. Бу таърифдан келиб чиқиб, муаллифлар текшириладиган ҳодиса ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги маълумотлар билан нимани назарда тутаётгани унчалик аниқ эмас. Юзага келган ҳодисанинг моддий излари катта майдонда бўлиши мумкин, ҳар доим ҳам жиноят содир этилган жойга яқин ҳудудларда бўлмайди. Демак, бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, ҳодиса содир бўлган жой у қамраб олган ҳудуди бўйича ҳам, бу тушунчалар мазмунига киритилган воқеалар характериға кўра жиноят содир бўлган жойдан ҳам кенгроқ бўлиши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш дастлабки тергов ҳаракатларидан биридир. Бу жиноят иши қўзғатилишидан олдин амалга оширилиши мумкин. Баъзида жиноят изларини жиноят содир этилган жойдан анча узоқроқда топиш мумкин. Масалан, компьютерга ноқонуний кириш ва ундаги

маълумотлар жиний тажовуз объектдан анча узоқроқда жойлашган бошқа компьютердан амалга оширилади.

Шу сабабли, “кўздан кечириладиган ҳодиса” содир бўлган жойни аниқлаш (айниқса, терговнинг дастлабки босқичида, одатда, ҳодиса жойини кўздан кечириб тайинланганда), катта қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Вазиятни ўрганиш жараёнида топилган излар асосида содир бўлган ҳодисанинг моҳияти тўғрисида ишончли хулоса чиқариш ҳар доим ҳам мумкин эмас. Масалан, маълум бир жойда аниқланган ҳодиса турли талқин қилиниши, яъни жиноятчи бу ерда жиноят содир этилганлиги, маълум бир жиноятга тайёргарлик кўрганлиги, жиноят оқибатлари ва натижаларини яшириш муносабати билан из қолдирган бўлиши мумкин. Жиний ҳодиса унинг излари топилган жойдан бошқа жойда содир бўлганлигини аниқлаш учун кўпинча кўп вақт талаб этилади. Ҳодисанинг моҳияти, унинг қонунга хилофлиги ёки қонунийлиги тўғрисида хулоса баъзида фақат бутун тергов натижалари асосида чиқарилиши мумкин. Бундан ташқари, жиноят содир этилган жой бевосита жиноят излари бўлмаган, лекин унинг ҳолати билан танишиш имконини берадиган ҳудуд билан ўралган бўлиши ҳам мумкин.

Агар масофадан туриб (масалан, Интернет орқали) компьютер маълумотларига ноқонуний кирган бўлса, ҳодисанинг ягона яхлит жойи йўқ, чунки бундай жиноятларда ҳодисанинг бир нечта жойлари бўлиши мумкин:

а) иш жойи - жиний тажовуз объектга айланган маълумотларни қайта ишлаш жойи;

б) тармоқ ресурсларини бошқариш, маълумотларни сақлаш ёки захиралаш учун мўлжалланган жой, хусусан, жиний тажовуз объектга айланган ёки унинг далиллари маълум вақт сақланиб қолган сервер жойлашган жой;

в) компьютер маълумотларига ноқонуний кириш учун техник воситалардан фойдаланиш жойи;

д) зарарли оқибатларнинг келиб чиқиш жойи (компьютер маълумотларини рухсатсиз йўқ қилиш, блокировка қилиш, ўзгартириш ёки нусхалаш, компьютер, компьютер тизими ёки уларнинг тармоғининг ишлашини бузиш), рухсатсиз кириш натижасида олинган маълумотларни компьютер муҳитида сақлаш жойи ва ҳ.к.

Ҳодиса содир бўлган жой компьютер ўрнатилган ва маълумотлар сақланадиган битта хона, бир нечта хоналар, шу жумладан компьютер тармоғи билан боғланган ёки Интернетга уланган турли ҳудудларда жойлашган бинолар бўлиши мумкин. Шубҳасиз, иккинчи ҳолатда, кўрсатилган жойларнинг ҳар бирини текшириш ҳодиса жойини текширишнинг мустақил протоколи билан расмийлаштирилиши керак.

Д.П.Расейкин текшириладиган воқеа ҳақида гапирганда нимани назарда тутганлиги аниқ эмас. Шубҳасиз, ҳодисани кўздан кечириб ҳақида эмас, балки унинг оқибатларини текшириш ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади. Бу мулоҳазалар бу таърифнинг заифлигини кўрсатади.

“Ўрганилаётган муаммони ҳисобга олган ҳолда, бошқа позиция тўғрироқ кўринади, унга кўра воқеа содир бўлган жой нафақат ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилинган ёки қилмишнинг зарарли оқибатлари содир бўлган ҳудуд ёки бино эмас, балки у билан боғлиқ вазиятлар аниқланган жой ҳам тегишлидир” .

Шундай қилиб, “Р.С.Белкин воқеа жойини терговни талаб қиладиган жиноят излари топилган жой ёки бино деб тавсифлайди. Белкиннинг сўзларига кўра, терговни талаб қиладиган воқеа изларининг топилиши ҳар доим ҳодиса бўлгани учун, бу изларнинг топилган жойи воқеа жойи ва унинг текшируви эса ҳодиса жойини кўздан кечиришдир” .

Умуман олганда, бу таърифга эътироз билдирмасдан, шуни таъкидлаймизки, муаллиф воқеа содир бўлган жой излар топилган жой эканлигини айтиб, таҳририй ноаниқликка йўл қўйган. Кўздан кечириш давомида терговчи ҳеч қандай из топа олмаса ҳам, лекин бу унинг баённома тузмаслиги керак дегани эмас. Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг вазифалари изларни аниқлаш билан чегараланмайди. Уларнинг доираси анча кенгроқ. Қолаверса, жиноят изларини тинтув, тергов эксперименти ва ҳ.к.да топиш мумкин, лекин бу уларни кўздан кечириш тергов ҳаракатига айлантириб қўймайди.

Аслида қонунда унинг энг асосий мақсадлари баён этилган бўлиб, кўздан кечириш тергов ҳаракати версияларни илгари суриш, маълумот олиш, жиноят содир этишга хизмат қилган ҳолатларни баҳолаш ва бошқа кўплаб мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча аниқроқ таърифни Л.А.Иванов баён қилган. “Унинг фикрича, ҳодиса жойини воқеа содир бўлган ёки унинг оқибатлари қолган, далилий аҳамиятга эга бўлган нарсалар ёки ҳодисалар (ёки уларнинг излари) мавжуд бўлган маълум бир макон деб тушуниш керак деб ҳисоблайди” . Бироқ, муаллиф маълум бир макон билан нимани назарда тутганлиги унчалик ҳам аниқ эмас.

В.П.Колмаковнинг ҳодиса жойига берган таърифи жуда қизиқ: “ҳодиса содир бўлган жой - бу ҳудуднинг маълум бир фазовий майдони, ер, сув юзаси ва сув туби, унинг моддий оқибатлари топилган бинолар бўлиши мумкин”. Колмаков умуман “ҳодиса жойи” тушунчасини қамраб оладиган макон деганда нимани тушуниши кераклигини аниқ кўрсатиб берди. Шу билан бирга, жиноят излари кўпинча нафақат ер юзидаги участкада, бино ичида ва ҳоказоларда, балки бошқа ҳудудларда ва фазовий жисмларда ҳам учрайди.

Шунинг учун В.В.Степанов ҳақли равишда “ҳодиса жойи сифатида текшириладиган майдонга сув ости муҳити, ер ости табиий тузилмалари ёки сунъий иншоотларни кўшиш билан соҳалар рўйхатини кенгайтиришни таклиф қилган” . Қолаверса, бизнинг фикримизча, ҳодиса содир бўлган жой жиноят содир этилган фазовий макон дейиш мутлақо тўғри эмас. Ҳодиса жиноятни ҳам, ташқи томондан жиноий ҳодисаларга ўхшаш бошқа ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади, лекин улар содир бўлмаган жой кўздан кечирилганда терговчи кўпинча буни фарқламайди.

Шундай қилиб, ҳодиса жойи – бу ҳудуд, сув майдони, ер майдони, сув юзаси, сув ости муҳити, ер ости табиий тузилиши ёки сунъий иншоот, унинг ичида ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки унинг зарарли оқибатлари содир бўлган ёхуд тергов қилинаётган ҳодисага алоқадор бўлган излар мавжуд бўлган жой.

Жиноятларни тергов қилганда, кўпинча бирор майдоннинг алоҳида ҳудудларини эмас, балки турар жойни, биноларни, транспорт воситаларини, жасадларни ва бошқа нарсаларни ҳам кўздан кечириш керак бўлади. Айнан мана шу ҳолатлар текширувнинг машаққатлилигини, унинг мураккаблигини, узоқ

муддатли ва ҳар хил характердаги ташкилий ва тайёргарлик чораларини, кўздан кечириш билан боғлиқ кўплаб мураккаб муаммоларни ҳал қилиш зарурлигини аниқлайди.

Бу ҳолатлар тайёргарлик ва текшириш вақтида ҳамда у тугаллангандан сўнг амалга ошириладиган ҳаракатларнинг мураккаб характерини тавсифлайди. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг кўрсатилган хусусиятлари В.И.Поповга ушбу тергов ҳаракатининг қуйидаги таърифини шакллантиришга асос бўлди. Унинг фикрича, “ҳодиса жойини кўздан кечириш тушунчаси жиноятнинг ашёвий далиллари ва изларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш, жиноят механизми ва сабабларини ўрганиш ва кўздан кечириш маълумотларидан фойдаланишга ҳамда жиноятни иссиқ изидан таъқиб қилиш мақсадларидаги тергов-қидирув тадбирлари мажмуасини ўз ичига олади”. Бизнингча, бундай таърифга тўлиқ қўшилиш қийин.

Яна бир кўздан кечириш тергов ҳаракатини изоҳловчи муҳим тушунча моддий ва номоддий излар ҳисобланади.

Моддий излар (далиллар) - бу ўрганилаётган ҳодиса ҳақида маълумот берадиган моддий олам объектларидир. Уларнинг мазмуни, жойлашуви ва бошқа белгилари жиноятнинг ҳар қандай ҳолатини акс эттириши мумкин. Шунинг учун уларни “тилсиз гувоҳлар” деган ном билан ҳам аташади. Шундай қилиб, агар биз кўздан кечириш тергов ҳаракатининг барча мақсадларини умумлаштирсак, улар далилий маълумот берувчи объектлар ва ҳолатларни аниқлаш, ойдинлик киритиш ва қайд этишдан иборат.

Номоддий излар – жиноят ҳақида маълумот берувчи аммо моддий шаклга эга бўлмаган далил тури ҳисобланади. Номоддий объектларга жиноятга алоқадор маълумотлар, маълумот ташувчилардаги ахборотлар ҳисобланади.

Кўздан кечириш тушунчаси элементларидан яна бири унинг объектлари ҳисобланади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати версияларни илгари суриш, маълумот олиш, жиноят содир этишга хизмат қилган ҳолатларни баҳолаш ва бошқа кўплаб мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатини текшириладиган объектга қараб таснифлайди. Шунини таъкидлаш жоизки, юқоридаги таснифлаш учун асосларда кўздан кечириш тергов ҳаракати турларини аниқ ажратиш олишга имкон берадиган белгилар мавжуд эмас. Ҳодиса жойи ҳам рельефли ҳудудлар, ҳам бинолар бўлиши мумкин. Демакки, кўздан кечиришнинг икки турини ажратишда аниқ мезон белгиланмаган. Тахмин қилиш мумкинки, бу ҳолда қонун чиқарувчи ернинг ҳудудларга нисбатини, ҳодиса содир бўлмаган биноларни ва ҳодиса содир бўлган жойни текширишни назарда тутган бўлиши мумкин. Умуман олганда кўздан кечиришнинг барча турлари ҳам қонун томонидан белгиланган бир хил процессуал қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Жиноят-процессуал кодексининг 135-моддасида эҳтимол, шу сабабларга кўра қонун чиқарувчи ушбу тергов ҳаракатининг турлари ўртасида аниқроқ фарқни кўрсатишни зарур деб ҳисобламаган бўлиши мумкин. Уларни ишлаб чиқиш бўйича тактик тавсиялар бир-биридан фарқ қилади, бу биринчи навбатда уларни амалга ошириш мақсадларидаги фарқларга боғлиқ. Масалан, ҳодиса жойини кўздан кечириш жиноят изларини аниқлаш мақсадида амалга оширилса, ҳодиса жойи бўлмаган ер

майдонлари ва биноларни текшириш қуйидагиларни ўрганиш учун амалга оширилади: улар билан боғлиқ бўлган субъектларнинг шахсий хусусиятлари; атроф-муҳит элементларига ўхшаш шароитлар; текширилаётган ҳодиса ва ҳ.к.

Объектлар жумласига эса ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечириш киради.

Тўғридан-тўғри, бевосита ёки билвосита далилларни топиш, олиш, идрок этиш кўздан кечиришдаги муҳим элементлардан саналади.

“Тўғридан-тўғри, бевосита далиллар – исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи далиллар. Билвосита далиллар эса бошқа воситалар ёрдамида аниқланган далиллар ҳисобланади”.

Кўздан кечириш жараёнида асосан тўғри далиллар олинади. Ҳамда билвосита далилларни олиш учун маълумот тўпланadi.

Кўздан кечириш дастлабки тергов жараёнидаги аҳамияти, биринчи навбатда, ҳодисанинг моҳияти, алоҳида моддий объектлар, нарсалар, ҳужжатлар ва бошқалар, кўпинча текширилаётган ҳодисанинг муҳим ҳолатлари тўғрисида жуда қимматли маълумотларнинг ягона манбаси эканлиги билан белгиланади. Аниқланган ашёларни текшириш орқали терговчи ушбу маълумотлардан жиноятни очиш ва айбдорларни фош қилиш учун фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати терговчининг тергов қилинаётган жиноят ҳақида маълумот олишининг жуда муҳим усули ҳисобланади. Терговчи тўпланган ашёвий далиллар, шунингдек, сўроқ пайтида олинган маълумотларга асосланиб, ҳодисанинг версияларини илгари суради ва уларни турли тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали текширади. Кўздан кечириш – терговчининг содир этилган жиноятни тўғридан-тўғри идрок этиш (одамларни сўроқ қилиш, экспериментал ҳаракатларни ўтказиш учун вазиятни тиклаш ва ҳ.к.) учун алмаштириб бўлмайдиган тергов ҳаракати ҳисобланади. Бироқ кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатларидан турли жиҳатларга кўра кескин фарқ қилади. Масалан, тинтув, эксперимент, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, экспертиза ва ҳ.к.

Кўздан кечиришнинг вазифалари далилларни тўплаш ва текшириш ҳисобланади. Терговчи тўпланган далиллар асосида тергов қилинаётган ҳодисанинг, унинг иштирокчиларининг, айбдорнинг жойлашган жойининг, далилий аҳамиятга эга бўлган ашёларнинг, шунингдек содир бўлган оқибатлар ва бошқалар юзасидан версияларни илгари суради. Бундан ташқари, кўздан кечириш жараёнида терговчи жиноят содир этилишига ёрдам берган ҳолатларни аниқлаши лозим бўлади.

Кўздан кечириш вазифаси умумий ва махсус турларга бўлиниб умумий деганда ҳодиса содир бўлганлиги бўйича жиноят, ҳолат, объектлар ва шахслар ҳақида фактик маълумотларни олиш ҳисобланади. “Махсус вазифа эса кўздан кечиришнинг тайёргарлик, ўтказиш ва натижаларни баҳолашдаги вазифалар тушунилади”.

Кўздан кечиришнинг якуний натижаси терговчига текширув давомида доимий равишда етиб борадиган маълумотларни олишдир. Бундай ахборотни узатиш энг мукамал ҳисобланади, чунки терговчи билан кўздан кечириш

ўртасида ҳеч қандай оралиқ алоқалар мавжуд эмас, яъни ноўрин ҳаракатлар ёки нотўғри маълумотни олиш эҳтимоли минимал даражададир.

Дарҳақиқат, кўздан кечиришни ўтказаетган шахсинг (шунингдек, текширувнинг бошқа мажбурий иштирокчиларининг) иштироки кўздан кечиришнинг барча босқичларида зарурдир. Бироқ, терговчидан махсус тайёргарлик ва тегишли жиҳозларни талаб қиладиган шароитда объектлар ва жараёнларни кўздан кечириш баъзида терговчининг маълум бир зонада, муҳитда ва ҳоказоларда бевосита иштирокини истисно қилади. Баъзи кўздан кечириш объектлари (масалан, портловчи қурилмалар) хавфининг ортиши улар билан ишлашда алоҳида эҳтиёт чораларини талаб қилади. Айрим ҳолларда, кўздан кечиришнинг ўзига хос шартлари туфайли (масалан, сув остида, ер ости, портловчи мосламаларни текшириш ва ҳ.к.) терговчи ўзини қизиқтирган нарсаларни билвосита ахборот олиши ва ўрганиши мумкин. Бундай ҳолда, кўздан кечириш учун керакли техник воситалардан фойдаланиш ва тегишли мутахассисларни жалб қилиш лозим бўлади. Кўздан кечиришнинг мажбурий субъектлари билан бир қаторда уни ўтказишда ихтиёрий шахслар ҳам бўлиши мумкин, яъни тергов ҳаракатида иштирок этиш қонунда бевосита назарда тутилмаган шахслар. Шу нуқтаи назардан, терговчи моддий нарсаларнинг ҳолатини, хоссалари ва хусусиятларини фақат қонунда кўрсатилган шахслар билан биргаликда идрок этади, текширади, қайд этади ва баҳолайди деб баён қилган В.П.Колмаков мулоҳазасини буткул тўғри дея олмайсиз. Бундан ташқари, баъзи ҳолларда терговчи нафақат моддий объектларнинг ҳолатини, балки улар атроф-муҳитининг хусусиятларини (ҳаво, сув ва ҳ.к.) сезиши, текшириши, қайд қилиши ва баҳолаши мумкин.

“Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг мақсади – изларни топиш, жиноят содир этилган ҳолатни аниқлаштириш, бошқа ишга алоқадор вазиятларни аниқлашдан иборат”.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати бошқа тергов ҳаракатларидан ўз индивидуаллиги билан фарқланади. Уларни қиёсий таҳлил қилсак.

Кўздан кечириш тергов эксперименти, тинтув, экспертиза каби бошқа тергов ҳаракатлари билан ўхшаш томонларга эга, лекин у ҳам процессуал, ҳам тактик жиҳатдан фарқ қилади.

Кўздан кечиришнинг моҳияти шундан иборатки, терговчи ўз ҳис-туйғуларига таянган ва билишнинг турли усулларини қўллаган ҳолда, ўзи далилий фактларнинг мавжудлигига ишонч ҳосил қилади. Кўздан кечириш турли объектларни бир-бири билан, шунингдек, бошқа объектлар билан кузатиш ва таққослаш, эксперимент ўтказиш, терговчининг фикрига кўра далилий аҳамиятга эга бўлган барча объектларни тавсифлаш ва маҳкамлашдан иборат.

Кўздан кечириш тинтувдан асосан мақсадлари билан фарқ қилади, чунки тинтувнинг мақсади фақат далилий аҳамиятга эга айни бир объект ёки объектларни қидириш ва олиб қўйишдан иборат. Тинтувда қидирилаётган объектни топиш ва олиш охириги жараёнлардан бири бўлса, кўздан кечиришда дастлабки ҳаракатлардан бири саналади.

Бундан ташқари, тинтувда қидирилаётган нарсанинг маълум бир жойда борлиги ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлади, кўздан кечиришда эса терговчи ушбу маълумотга эга бўлмайди. Процессуал ушбу тергов ҳаракатларини ўтказиш

тартиби ҳам ҳар хил, масалан, тинтувда қидирилаётган ашё эгасининг ушбу нарсани ихтиёрий тарзда тақдим қилиши бўйича таклиф қилиниши билан бошланади. Тинтув тегишли тартибда санкция талаб қиладиган ҳаракат ҳисобланса, кўздан кечиришда ушбу тартиб талаб қилинмайди.

Кўздан кечиришнинг тергов экспериментидан фарқи шундаки, эксперимент пайтида терговчи экспериментал ҳодисани сезади, ҳодисанинг муайян ҳолатини ва унинг натижасини, кўздан кечиришда эса, фақат содир бўлган ҳодисанинг моддий излари аниқлайди. Кўздан кечириш тергов ҳаракати суд экспертиза каби процессуал ҳаракатлардан фарқ қилиб, ўрганилаётган объектларнинг яширин фазилатларини ҳиссий аъзолар орқали очиб бериш учун амалга оширилади. Албатта, бундай хусусиятларни кашф этиш ва ўрганиш учун қўшимча равишда махсус билимларни талаб этади. Ушбу тергов ҳаракати жиноят-процессининг турли хил иштирокчилари – терговчи, суриштирувчи, эксперт томонидан амалга оширилади, улар сезиларли даражада ҳар хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Экспертиза учун ҳам, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисида ҳам қарор терговчи томонидан қабул қилинади. Суд экспертиза терговчи ёки суднинг қарори билан амалга оширилади, бироқ кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш учун ҳеч нарса талаб этилмайди.

Бундан ташқари, иштирокчилар доираси ҳам бироз фарқ қилади. Қонун кўздан кечириш тергов ҳаракатида холислар иштирокини мажбурий эканлигини белгилайди, экспертизани ўтказишда холислар иштирок этиши шарт эмас. Экспертиза ўтказиш мураккаб илмий ва техник усуллардан ва махсус билимларга эга бўлган субъектларнинг воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Ушбу ҳаракатларнинг жараёни ва натижалари ҳам турли хил процессуал ҳужжатларда қайд этилади. Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш натижасида баённома тузилади, экспертиза ўтказилганда эса эксперт хулосаси тузилади. Бу ҳужжатларнинг тузилиши ва процессуал талаблари ҳам сезиларли даражада фарқ қилади.

Кўздан кечириш, шунингдек, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш каби ҳаракатлардан фарқ қилади. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширганда терговчи гувоҳлар иштирокида, гувоҳ ёки айбланувчи кўрсатган жой ёки майдонни текширади, бунда кўздан кечириш тергов ҳаракатининг мазмуни жойни кўрсатишни ўз ичига олмайди.

Тергов жараёнида кўздан кечиришнинг аҳамияти жуда катта. Текширув давомида жиноят излари, жиноят ва бошқа ашёвий далилларнинг аксарияти аниқланади ва ўрганилади. Кўп нарса текшириш сифатига боғлиқ, гарчи бундай тергов ҳаракати муҳим бўлса-да, терговни амалга оширишда баъзида унинг аҳамияти кам баҳоланади. Бу терговда баъзи хатоларга олиб келади ва натижада иш ҳал қилинмай қолиши мумкин, шунинг учун терговчилар ва тергов органлари ходимлари ушбу тергов ҳаракатларининг яхшироқ бажарилишига эътибор қаратишлари керак.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг асосий вазифаси далилларни тўплаш ва текширишдан иборатдир. Текширув давомида тўпланган далилларга асосланиб, терговчи тергов қилинаётган ҳодисанинг моҳияти, унинг иштирокчилари ҳақидаги маълумотлар, жиноятчининг жойлашуви, ўғирланган мол-мулк ва гувоҳлик берувчи бошқа нарсалар, жиноят оқибатлари ва ҳ.к.ларни аниқлайди.

Бундан ташқари, тергов экспертизасини ўтказишдан мақсад жиноят содир этишга ёрдам берган ҳолатларни ҳам аниқлашдан иборат ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда, кўздан кечириш тергов ҳаракати тергов субъектларига бошқача йўллар билан эришиб бўлмайдиган, ҳақиқий маълумотларни олиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, терговчининг воқеа ҳолатини тўғридан-тўғри идрок этишининг натижалари, мана шу вазият билан биргаликда аҳамият касб этадиган салбий ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар.

Текширув натижалари терговчининг барча ҳаракатлари ва кўздан кечириш пайтида аниқланган ҳамма нарса баённомада қайд этилади. Бундан ташқари, баённомада текшириш шартлари (жой, вақт, ёруғлик, об-ҳаво), техник воситалардан фойдаланиш, олинган натижалар, олиб қўйилган нарсалар рўйхати ва улар юборилган жой акс эттирилади.

Юқоридагиларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, кўздан кечириш тергов ҳаракати универсал, яъни ҳар қандай жиноят процесси босқичида ўтказилиши мумкин бўлган ва жиноят ва жиноятчи ҳақида дастлабки ва асосий маълумотларни берувчи тергов ҳаракати ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Глушков М.Р. Атрибуты видеофайла как объект фальсификации // Эксперт-криминалист. 2016.№ 3. С. 3-5.
2. Рыжаков А.П. Уголовный процесс. Учебник для вузов. М., 2004. С. 390.
3. http://www.kalinovsky-k.narod.ru/p/krat_kurs/11-1.htmhttp://www.kalinovsky-k.narod.ru/p/krat_kurs/11-1.htm.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-протсессуал кодекси: (2019 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимча билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2019 й.
5. Криминалистика: Учебник / Аленников А.Г. Институт экономики и права. М.2010.
6. Криминалистика / Отв ред. А.Н. Васильев. М., 1963. С. 309.
7. Рахунов Р.Д. Теория и практика судебной экспертизы. – М., 1953. – С.224.
8. Anon. Visual inspection at the crime scene. Policia espanola Volume: 15 Issue: 188 Dated: (NOVEMBER 1977) Pages: 40-44.
9. Колмаков В.П. Следственный осмотр. М., 1969. С. 18.
10. https://www.unodc.org/documents/human-trafficking/Toolkit-files/08-58296_tool_5-9.pdf.
11. Криминалистика / Под ред. Б.А. Викторова, Р.С. Белкина. М., 1976. С. 244.
12. Селиванов Н.А. Советская криминалистика: система понятий. М., 1982. С. 96.
13. Белкин Р.С. Криминалистическая энциклопедия. М., 1997. С. 152.
14. Образцов В.А. и Топорков А.А. Следственные действия. Криминалистические рекомендации. Типовые образцы документов / Под ред. В.А. Образцова. М., 1999. С. 176
15. Иванов Л.А. Следственный осмотр при расследовании транспортных происшествий. Саратов, 1993. с. 7.
16. Баев О.Я. Тактика уголовного преследования и профессиональной защиты от него. Следственная тактика. М., 2003. С. 75.

17. Яковлева О.Я. Тактические особенности осмотра места происшествия, осмотра документов. Вестник ВолГ.У. Серия 5, Вып 11. 2009 год
18. Рассейкин Д.П. Осмотр места происшествия и трупа при расследовании убийств. Саратов, 1967. С. 69. Аналогичная точка зрения встречается в работах и других исследователей (см.: Тактика следственных действий. Саратов, 2000. С. 28; Водяницкий В.П. К вопросу о понятии места происшествия // Вопросы криминалистики и судебной экспертизы. Саратов, 1976. Вып. 1. С. 47).
19. Дулов А.В., Нестеренко П.Д. Тактика следственных действий. Минск, 1971. С. 109.
20. Осмотр места происшествия. М., 1960. С. 7; Криминалистика / Под ред. А.Н. Васильева. М., 1971. С. 289; Хаметов Р.Б. О плюральном характере места происшествия // Вестн. Саратов. гос. академии права. 2000. № 3 (22). С. 32-33.
21. Белкин Р.С., Лифшиц Е.М. Тактика следственных действий. М., 1997. С. 52.
22. Иванов Л.А. Следственный осмотр при расследовании транспортных происшествий. Саратов, 1993. с. 7.
23. Степанов В.В. О понятии места происшествия // Теория и практика криминалистики и судебной экспертизы. Саратов, 2004. Вып. 12.
24. Попов В.И. Осмотр места происшествия. М., 1959. С. 8-9.
25. Иномжонов Ш.Х. Далиллар назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т.: 2006 й. 27 б. (135 б).
26. Патраш И.Ф. Задачи следственного осмотра по уголовным делам об убийствах. Юридические науки. 2 с.
27. Лапин Е.С. Ошибки в понятиях и проведении следственных действий: монография/Е.С.Лапин. Москва: ИНФРА-М, 2020.156 с. (214 с.)